

«Olmaliq KMK» A J

барча оддий акцияларининг эгаси –
битта акциядори,
2016 йил «__» _____ даги
_____ - сонли Қарори билан

«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»
«Olmaliq KMK» A J
Давлатнинг ишончли вакили

_____ **Саматов Ш.С.**

**«OLMALIQ KON-METALLURGIYA KOMBINATI»
AKSIYADORLIK JAMIYATI**

(«Olmaliq KMK» A J)

**ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалар	3
2. Тафтиш комиссиясини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш.....	3
3. Тафтиш комиссияси аъзоларига нисбатан қўйиладиган малака талаблари.....	4
4. Тафтиш комиссиясининг иш тартиби.....	5
5. Тафтиш комиссиясининг Раиси.....	6
6. Тафтиш комиссиясининг мажлиси.....	6
7. Тафтиш комиссияси аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбариятлари.....	7
8. Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдорини аниқлаш тартиби..	8

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом «Olmaliq kon-metallurgiya kombinati» aksiyadorlik jamiyati Тафтиш комиссиясининг мақомини аниқлайди ва ишини мувофиқлаштиради, Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш, комиссиянинг иш тартибини ва у томонидан қарорлар қабул қилиш тартибини, унинг аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқлайди.

1.2. Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ва Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Тафтиш комиссияси Жамият фаолиятининг, унинг бўлинмалари ва хизматларининг, филиаллари ва ваколатхоналарининг ички молиявий-хўжалик ва ҳуқуқий назорати функциясини амалга оширувчи Жамият органи ҳисобланади.

1.4. Ўз фаолияти давомида комиссия амалдаги қонун ҳужжатларига, Жамият Уставига, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларига, мазкур Низомга ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган ва Тафтиш комиссияси фаолиятига таалуқли бўлган Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига амал қилади.

1.5. Мазкур Низомда «акциядорларнинг умумий йиғилиши» сўз бирикмаси қўлланилганда, Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёхуд қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўладиган битта акциядор -Жамият барча оддий акцияларининг акциядори (кейинги ўринларда – Бош акциядор) назарда тутилади.

2. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИ САЙЛАШ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ

2.1. Тафтиш комиссияси 7 кишидан иборат бўлиб, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.. Айти бир шахс Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

2.2. Тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш бўйича таклифлар қонун ҳужжатларига ва Жамият Уставига мувофиқ, Жамият Кузатув кенгашига номзодлар киритиш учун белгиланган тартиб ва муддатда амалга оширилади.

2.3. Тафтиш комиссиясига киритилган номзодлар сони Жамият Устаविда белгиланган Тафтиш комиссиясининг сон таркибидан ортиб кетган ҳолларда Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларни сайлаш кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилади, бунда бунда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Тафтиш комиссиясига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Тафтиш комиссиясининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

2.4. Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида айти шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси, ижроия органининг аъзоси бўлиши, шунингдек, миноритар акциядорлар кўмитасига сайланиши мумкин эмас.

2.5. Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

2.6. Тафтиш комиссиясининг аъзоси ўз ташаббусига кўра исталган вақтда унинг таркибидан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга, бу ҳақида у Тафтиш комиссияси ва Кузатув кенгашини Тафтиш комиссиясидаги ўз иши тугашидан бир ой аввал ёзма равишда хабардор қилиши керак. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилиши яқин орадаги йиғилишида Тафтиш комиссияси аъзосини алмаштиришни амалга оширади.

2.7. Тафтиш комиссиясининг баъзи ёки барча аъзоларининг ваколатлари акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгаларининг

кўпчилик овози билан қабул қилинадиган қарорига кўра қуйидаги асосларда муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

- Узрсиз сабабларга кўра, Тафтиш комиссиясининг ишида 3 мартадан кўп иштирок этмаслик;

- Текширишларни ўтказишда Тафтиш комиссиясининг аъзолари (аъзоси) текшириш предметига таалукли бўлган барча ҳужжатларни ва материалларни талаб даражасида ўрганмаслиги Жамият Тафтиш комиссияси томонидан нотўғри хулоса берилишига олиб келиши;

- Тафтиш комиссияси аъзоларининг бошқа ҳаракатларни содир этиши (ҳаракатсизлиги) Жамиятни ноқулай оқибатларга дуч келишига сабаб бўлиши.

2.8. Тафтиш комиссияси аъзоларининг сони Жамият Уставида ва ушбу Низомда назарда тутилган миқдорнинг ярмидан камини ташкил қилса, Кузатув кенгаши Тафтиш комиссиясининг янги аъзоларини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишни чақириши шарт.

Тафтиш комиссиясининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳолларда, Тафтиш комиссиясининг янги сайланган аъзоларининг ваколатлари акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишида Тафтиш комиссияси сайлангунга қадар амалда бўлади.

2.9. Агар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Тафтиш комиссиясининг барча таркиби ваколатларини бутунлай ёки уни баъзи аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатган, бунинг натижасида уларнинг миқдори сайланган таркибнинг ярмидан камини ташкил қилса, Кузатув кенгаши бундай қарор қабул қилингандан эътиборан уч кундан кўп бўлмаган муддат ичида кун тартибига Тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш тўғрисидаги масала киритилган акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

Тафтиш комиссияси таркибига сайланадиган номзодлар бўйича таклифларни амалдаги қонунчилик ва Жамият Уставига мувофиқ Жамиятнинг бошқарув ва назорат органларига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар киритишлари мумкин.

3. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИГА НИСБАТАН ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

3.1. Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзоси:

3.1.1. Олий маълумотга эга бўлиши;

3.1.2. Қуйидаги соҳаларда билимга ва маҳоратга эга бўлиши:

- корхонани бошқариш, молиявий менежмент, хавф-менежменти, ички назорат;

- аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ёки бухгалтерия ҳисобини юритиш;

- корпоратив бошқарув.

3.1.3. Тегишли стандартлар, қонунлар, техник регламентлар, қоидалар, тамойиллар, бухгалтерия ҳисобининг услуб ва усуллари.

3.1.4. Умумбошқарув қарорларини, шунингдек, молия, молиявий (бухгалтерия) ҳисоботларни юритиш ва тайёрлаш соҳаларида қарор қабул қилишни назарда тутадиган раҳбарлик соҳасида ёки профессионал соҳада амалий тажрибага эга бўлиши.

Амалий иш тажрибаси қуйидаги лавозимлардаги иш стажи билан аниқланади:

- Бош директор, бош директор ўринбосари, иқтисод ва молия масалалари бўйича жавоб берадиган коллегиял ижроия органи аъзоси, молия ишлари бўйича директор, аудиторлик ташкилоти бўлмаган ички назорат бўлинмаларининг раҳбари ва ходими;

- Аудиторлик ташкилотининг раҳбари, аудиторлик ташкилотининг аудитори ва мутахассиси;

- Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоси;

- Бухгалтери;

- Иқтисодчиси;

- тафтишчиси;

- Баҳоловчи ёки баҳолаш ташкилотининг ходими;

- Иқтисодий соҳа бўйича илмий ходим ёки ўқитувчи.

3.2. Тафтиш комиссиясининг аъзоси қуйидагиларни билиши шарт:

- бухгалтерия ҳисоби, аудитнинг тамойиллари, процедуралари ва усулларини, ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятнинг таҳлил асосларини қўллаши;

- ўз ишини натижа берадиган тарзда режалаштириш ва ташкил қилиш;

- келишилган муддатларда текширув ўтказиш;

- биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганни жой-жойига қўйиш ва муҳим масалаларда эътиборли бўлиш;

- турли воситалардан ва усуллардан (сўровлар, кузатиш ва хужжатларни, ёзувларни, маълумотларни ва бошқаларни таҳлил қилиш) фойдаланиш йўли билан маълумотларни йиғиш;

- текшириш натижалари учун танлаш усулидан фойдаланишни қўлланилиши ва оқибатларини тушуниб етиш;

- йиғилган маълумотларни аниқлигини текшириш;

- текшириш натижалари бўйича кузатувлар ва хулосаларни асослаш учун олинган гувоҳномаларнинг етарлилиги ва мос келишини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлашга кузатувлар ва хулосаларни ишончлилигига таъсир қилувчи омилларни баҳолаш;

- маълумотларнинг махфийлигини ва хавфсизлигини таъминлаш.

3.3. Тафтиш комиссиясининг Раиси камида бир йил тафтиш комиссиясининг аъзоси иш стажига эга бўлиши керак.

4. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5%га эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

4.2. Жамият Тафтиш комиссиясининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган молиявий, бухгалтерия, тўлов-ҳисоб, ва бошқа хужжатларини, амалдаги қонун хужжатларига, Жамият Уставига ва ички хужжатларига мос келишини текшириш (тафтиш қилиш);

- Жамиятнинг акцияларига дивидендларни, облигацияларга фоизларни, бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадларни тўғри ва ўз вақтида ҳисобланиши ва тўланишини текшириш;

- Жамият кредитор қарзларининг асослилигини текшириш;

- Жамиятнинг молиявий ҳолатини, унинг тўлов қобилиятини, активларидан фойдаланишнинг ликвидлилиги ва самаралигини, ўз ва қарз маблағларининг мутаносиблигини таҳлил қилиш;

- Жамият молиявий аҳволини яхшиловчи заҳираларни аниқлаш ва бошқарув органлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Жамиятнинг Заҳира ва бошқа махсус фондларининг шакллантирилиши ва ишлатилиши устидан назорат;

- аффилланган шахслар билан битимлар ёки Жамиятдаги бошқа йирик битимларни аниқлаш, шунингдек бундай битимларни тузиш бўйича қонун хужжатлари ва Жамиятнинг ички хужжатлари талабларига риоя қилинишини текшириш;

- аввалги текширувда (тафтишда) аниқланган хатоликлар ва камчиликларни бартараф қилиш бўйича аввал берилган кўрсатмаларнинг бажарилишини текшириш;

- Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

4.3. Жамият Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра, Жамият ижроия органининг мансабдор шахслари Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни унга тақдим этишлари шарт.

4.4. Жамият Тафтиш комиссиясининг талабига кўра Жамият Кузатув кенгашининг

аъзолари, Жамият Бошқарувининг аъзолари, шунингдек, Жамият ходимлари ёзма ёки оғзаки равишда керакли тушунтиришларни беришлари шарт.

4.5. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра, жумладан, Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларидан келиб чиқиб, Жамиятнинг тафтиш комиссияси куйидагиларни ўз ичига олган хулоса ёки далолатнома тузади:

- Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот.

Ушбу хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

4.6. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишини чақиришни ёзма равишда талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Жамият Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш қонун ҳужжатларига асосан амалга оширилади. Бунда, Жамият Тафтиш комиссияси ушбу йиғилишни чақириш ва ўтказиш учун зарур бўлган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча ваколатларга эга.

4.7. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

4.8. Тафтиш комиссияси Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан, Жамиятнинг бошқа бошқарув органининг мансабдор шахсларидан, ўз тобе (аффилиланган) шахслари билан Жамиятнинг 20% ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгаллик қилувчи акциядоридан (акциядорларидан) куйидаги маълумотларни талаб қилишга ҳақли:

- улар мустақил равишда ёки ўз аффилиланган шахслари билан биргаликда 20% ёки ундан ортиқ овоз берувчи акцияларига (улушларига, пайларига) эгаллик қиладиган юридик шахслар тўғрисидаги;

- бошқарув органларида улар лавозим эгаллаб турган юридик шахслар тўғрисидаги;

- ўзларига маълум бўлган улар манфаатдор шахс деб эътироф этилиши мумкин бўлган тузилаётган ёки тузилиши кутилаётган битимлар тўғрисидаги.

5. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ РАИСИ

5.1. Тафтиш комиссияси ўз таркибидан Тафтиш комиссияси Раиси ва котибини сайлайди. Тафтиш комиссиясининг раиси ва котиби Тафтиш комиссияси мажлисида комиссия аъзолигига сайланган аъзоларнинг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

Тафтиш комиссияси исталган пайтда ўз раисини ва котибини тафтиш комиссиясига сайланган аъзоларнинг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли, тафтиш комиссиясининг чиқиб кетган аъзоларининг овозлари бундан мустасно.

5.2. Жамият Тафтиш комиссиясининг Раиси унинг ишини ташкил қилади, Тафтиш комиссияси мажлисини чақиради ва унга раислик қилади ҳамда уларда баённома олиб борилишини ташкил қилади.

5.3. Жамият Тафтиш комиссиясининг Раиси бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини Тафтиш комиссияси аъзоларидан бири амалга оширади.

6. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

6.1. Тафтиш комиссияси томонидан кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар унинг мажлисларида қабул қилинади.

6.2. Тафтиш комиссиясининг мажлислари тасдиқланган режага кўра, шунингдек, текширув ёки тафтиш олдидан ва уларнинг натижаси бўйича ўтказилади.

6.3. Тафтиш комиссиясининг мажлиси унинг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра ёки Жамият Тафтиш комиссияси аъзоси талабига кўра чақирилади.

6.4. Тафтиш комиссияси мажлисини чақириш ва ўтказиш учун унинг Раиси комиссиясининг барча аъзолари билан мажлиснинг қулай санаси ва кун тартибини келишиб олади.

6.5. Мажлис ўтказиш санаси тўғрисида Раис Тафтиш комиссиясининг барча аъзоларини ёзма ёки оғзаки шаклда, мажлис санасидан камида 5 кун аввал хабардор этади.

6.6. Агар Тафтиш комиссияси аъзоларининг 50 % ёки ундан ортиқ қисми Раисга ўзларининг ушбу куни мажлисга кела олмаслигини билдирса, мажлис бошқа кунга қўчирилади.

6.7. Тафтиш комиссияси мажлиси унинг таркибига сайланган аъзолар сонининг камида учдан икки қисми иштирок қилганда ваколатли ҳисобланади. Тафтиш комиссиясининг барча мажлислари юзма-юз шаклда ўтади.

6.8. Тафтиш комиссияси мажлисида масалалар ҳал этилишида унинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади. Жамият Тафтиш комиссиясининг бир аъзоси ўз овозини Тафтиш комиссиясининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

6.9. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси мажлисларида қарорлар иштирок этувчиларнинг оддий овоз кўпчилиги билан қабул қилинади. Тафтиш комиссияси аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолларда қарорни қабул қилишда Тафтиш комиссияси Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

6.10. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш талаби тўғрисидаги қарор Тафтиш комиссияси томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Тафтиш комиссиясининг таркибдан чиқиб кетган аъзолар овози ҳисобга олинмайди.

6.11. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси мажлисида баённома олиб борилади. Тафтиш комиссияси мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 5 кундан кечиктирмай тузилади. Баённомада қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган жой ва вақт;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

Жамият Тафтиш комиссияси мажлисининг баённомаси йиғилиш Раиси ва котиби томонидан имзоланади.

7. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Тафтиш комиссияси аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Тафтиш комиссияси мажлисида шахсан қатнашиш, ажратилган вақт регламенти доирасида мажлисда муҳокама қилинаётган масала бўйича сўзга чиқиш;
- Тафтиш комиссиясининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, мажлис баённомасига қўшиб қўйиладиган ўзининг алоҳида фикрини баён қилиш;
- Тафтиш комиссиясининг кечиктириб бўлмайдиган қарорини талаб қиладиган бузилишлар аниқланганда комиссиянинг шошилиш мажлиси чақирилишини талаб қилиш;
- Жамиятнинг бошқарув органлари, унинг тузилмавий бўлинмалари ва хизматлари олдида Жамият томонидан қабул қилинган низомлар, қоидалар ва йўриқномаларни бузиш ҳолатларида Жамият ходимларининг, жумладан, мансабдор шахсларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш;
- Жамиятни Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ молиявий ҳисоботини эълон қилишга ўтишни ташкиллаштириш бўйича ишчи гуруҳнинг ишида иштирок этиш;
- Тафтиш комиссиясининг қарори бўйича - Жамият фаолиятига тегишли ҳужжатлардан фойдаланиш ва уларни Тафтиш комиссиясига юкланган мажбуриятларни бажариш учун Кузатув кенгашидан ва Бошқарувидан талаб қилиш ҳуқуқига эга. Олинган ҳужжатлардан Тафтиш комиссияси ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланадилар;
- акциядорларнинг Жамият бошқарув органининг ва мансабдор шахсларининг ҳаракатлари юзасидан шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш;

- Тафтиш комиссиясидаги иши харажатларини қоплаш учун қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда, ҳақ ва (ёки) компенсация олиш.

7.2. Тафтиш комиссияси аъзолари ўртасидаги вазифаларни тақсимлаш Тафтиш комиссиясининг Раиси томонидан амалга оширилади.

7.3. Тафтиш комиссияси куйидагиларга мажбур:

- амалга оширилган тафтишлар ва текширувларнинг хулоса, ёзма ҳисоботлар, билдиришномалар, маълумотномалар кўринишидаги натижаларини Жамиятнинг бошқарув органларининг мажлисларида акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, ижроия органи эътиборига ўз вақтида етказиш;

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва Жамиятнинг йиллик бухгалтерия ҳисоботларидаги маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо бериш;

- Жамиятнинг молиявий ҳолатига таъсир қилиши мумкин бўлган хатарлар ва бошқа ҳолатлар олдида Жамият ҳимояланмаганлигига доир баҳо бериш;

- Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини йил якунлари бўйича, шунингдек қонун ҳужжатлари, Жамият Устави ва ушбу Низомда белгиланган шахсларнинг ташаббуси билан исталган вақтда тафтишни амалга ошириш;

- Тафтиш комиссияси ўз функцияларини бажариш вақтида эга бўлган тижорат сирларига риоя қилиш, махфий бўлган ахборотларни тарқатмаслик. Агарда Тафтиш комиссиясининг ишига Тафтиш комиссиясининг аъзоси ҳисобланмаган экспертлар жалб қилинса, улар тижорат сирига риоя қилиш тўғрисида огоҳлантирилишлари керак. Уларнинг ҳаракатлари бўйича жавобгарлик уларни жалб қилган Тафтиш комиссиясининг аъзолари зиммасига юклатилади;

- акциядорларнинг Жамият бошқарув органининг ва мансабдор шахсларининг ҳаракатлари юзасидан шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш;

- Жамиятнинг ишлаб-чиқариш-хўжалик, молиявий, ҳуқуқий фаолиятида аниқланган бузилишлар ёки Жамият манфаатларига жиддий хавф пайдо бўлиши Жамият бошқарув органларининг қарорларини талаб қилган ҳолларда Кузатув кенгашининг мажлисини, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;

7.4. Текширувлар ўтказиш пайтида Тафтиш комиссиясининг аъзолари текширув предметига оид барча ҳужжат ва материалларни диққат билан ўрганиб чиқишлари шарт. Тафтиш комиссиясининг аъзолари нотўғри берилган хулоса учун жавобгар бўладилар, кўриладиган чоралар акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан аниқланади.

7.5. Тафтиш комиссиясининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этишлари ва йиғилиш иштирокчиларининг саволларига ўз ваколатлари доирасида жавоб беришлари шарт.

7.6. Тафтиш комиссияси аъзолари Жамият имкониятларидан (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамиятининг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот) шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

7.7. Тафтиш комиссияси аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек, Жамияти манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишлари шарт.

8. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИГА ТўЛАНДИГАН ҲАҚ МИҚДОРINI АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

8.1. Тафтиш комиссияси аъзоларига комиссияда иш олиб борганликлари ва қонун ҳужжатларида ва ушбу Низомда белгиланган ҳисоботларни (хулосаларни) тақдим қилганликлари учун ҳақ тўланади.

8.2. Тафтиш комиссияси ишини якунлари ва тақдим қилинган ҳисоботлар (хулосалар) Тафтиш комиссиясининг Раисига ва унинг аъзоларига тўланадиган ҳақнинг миқдорини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

8.3. Ҳақ тўлаш миқдори (Тафтиш комиссиясининг 1 аъзосига 1 ой учун) _____ та минимал иш ҳақи миқдорида аниқланади ва ҳар чоракда тўланади.

8.4. Тафтиш комиссиясининг хулосалари ҳар чоракда Кузатув кенгашига тақдим қилинмаган ҳолда, тафтиш комиссиясига ҳақ тўланмайди.

8.5. Бунда, Тафтиш комиссиясининг Раисига ҳақ тўлаш учун оширувчи коэффициент қўлланилади. Оширувчи коэффициент Тафтиш комиссиясининг аъзоларига тўланадиган ҳақнинг 1,2 баробар миқдоридан кўп бўлмаслиги керак.